

**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларга хизмат кўрсатиш,ишлиар  
бажариш бўйича № 146031**

2022 йил 12 сентябрь

Самарқанд шахри

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи **Мароқанд дезинфекция ХК** (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари **М.М. Жумаев** биринчи томон ва иккинчи томон 6 июлдан 2022 йил AT-SKD-51 сонли Ишончнома асосида фаолият юритувчи **“Samarqand xalqaro aeroporti” МЧЖ** номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари **Тухтасинов С.Х.** ўрталарида куйидаги максадларда тузилди:

**1.Шартнома предмети**

1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида куйидаги турдаги ишилар(хизматлар)ни бажариб беради:

Хизмат тури	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нарҳи	Суммаси
Дезинсекция хизмати	M2	600 000	47	<b>28 200 000</b>
<b>Жами:</b>				<b>28 200 000</b>

1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати **йигирма саккиз миллион икки юз минг сўмни ташкил килади.**

1.3. Бажариладиган ишилар (хизматлар)ни хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.

1.4. Ишилар (хизматлар)ни бажариш муддати **5 иш куни**

**2. Ҳисоб-китоб шартлари.**

2.1 Бажарилган ишилар (кўрсатилган хизматлар) учун ҳисоб-китоб лойиха-смета хужжатлари хамда ишни бажаришга даъвогар корхоналарнинг тижорат таклифларидан келиб чиқиб белгиланган нархларда, бажарилган ишилар далолатномаси, счет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб “Буюртмачи” томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланишуви учун бажарилиши лозим бўлган ишилар (кўрсатилган хизматлар)ни сметаси, калькуляция ва баҳолар прейскурантлари асос белгилиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишилар натижасида бажарилган ишилар (кўрсатилган хизматлар) учун белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.

2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдорида тұловни амалға оширади, хамда тулик хисоб-китобни иш бажарилиб қабул қилиниб олингандан сүнг 20 күн ичида амалға оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатта тузилганды 15% миқдоридаги олдиндан тұлов, тұлов жадвалига асосан хар ойда амалға оширилиб борилади.

### **3. Томонлар хуқуқи ва мажбуриятлари:**

3.1 «Иш бажарувчи» ўз күчлари ва воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида күзда тутилган ҳажмларда ва муддатида сифатли,техник талабларга жавоб берадиган даражада бажаради,бажарилған иш (хизматлар) учун сифатини тасдикловчи хужжат тақдим этади ва тегишли хужжатларни тұғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилған иш (хизматлар)ни бир қисми еки хаммаси сифатсиз бажарилғанлыги аниқланиб тегишли равишда «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилғанда бажарилған ишларни сифатсиз қисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан бажарып берилади. Ушбу құшимча бажарилған ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тұлов амалға оширилмайды.

3.3 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлған ишлар(хизматлар)ни нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиха-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.

3.4 «Буюртмачи» бажарилған ишлар (хизматлар)ни шартнома шартлари ва спецификацияга тұғри келишини текшириб қабул қилип олғандан сүнг бажарилған ишлар (хизматлар) учун шартномада кўрсатилған муддатда тұловни амалға ошириши шарт.

### **4. Жарималар кўланилиши**

4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилған ишлар(хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилған ишлар(хизматлар)нинг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилған суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима кўллаб, конунчиликда белгиланған тартибда ундириб олинади.

4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланған ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган ишлар (хизматлар)ни умумий кийматини 0.02% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.

4.3 Қабул қилинған ишлар (хизматлар) учун шартномада белгиланған муддат ичида асоссиз равишда тұлов амалға оширилмаган тақдирда ҳар бир кечикирилған кун учун қабул қилинған иш(хизмат) миқдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.02 % миқдорида “Иш бажарувчи” га пеня тўланади.

4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## **5. Коррупцияга қарши огохлантириш.**

5.1. Томонлар уларнинг ҳар бирида порахўрлик ва коррупцияга нисбатан муросасизлик сиесати борлигини тан оладилар ва тасдиқлайдилар, бу коррупция амалиетини тўлиқ тақиқлашни, ердам учун тўловларни амалга оширишни ва ердам/тўлоавлар учун тўловларни амалга оширишни назарда тутади, хўжалик фаолият билан боғлиқлик муносабати билан расмиятчиликни соддалаштириш, баъзи муаммоларни тезроқ ҳал қилишни таъминлаш еки бошқа нарсалар. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчиликка ва унинг асосида ишлаб чиқилган сиесатларга ва порахўрлик ва тижорат порахўрликка қарши курашишга қаратилган тартиб-қоидаларга амал қилишади.

5.2. Томонлар ҳар қандай шахсга ( шу жумладан, чекланмаган ҳолда, жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахсларига) коррупцион тўловларни (пул маблағлари еки қимматбаҳо совғалар) тақдим этишга еки уларга розилик беришга, шунингдек, ҳар қандай шахслардан, тўғридан-тўғри еки билвосита, ҳар қандай коррупцион тўловларни ( пул еки қимматбаҳо совғалар) олиш, қабул қилиш еки қабул қилишга рози бўлмасликларига кафолат беради.

## **6. Форс-мажор**

6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини, енғин, зилзила, бошқа табиий оғатлар ва ҳукуматнинг маҳсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

## **7. Шартнома муддати**

7.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

7.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача .Маълум сабабларга кўра бажарилган ишлар (хизматлар) учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

7.3 Шартнома қўйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;  
б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган ишлар (хизматлар)ни сифатлизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда хужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 7.1 ва 7.2 бандлари бажарилмаганда;

г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д)нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган ишлар (хизматлар)ни нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки купайиши)лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: б,в,г,д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин. Шартноманинг бекор килингани тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум килади.

## 8. Кўшимча шартлар

8.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Иқтисодий судлари оркали хал килинади.

8.2«Иш бажарувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия,гувохнома,сертификат) «Буюртмачи»га тақдим этади.

8.3 Шартномани бажарилиши учун тааълуқли хужжатларни хаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаетган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

8.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

8.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

## 9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

### Заказчик

ООО «Samarqand xalqaro aeroporti»

140151, Самарқанд ш., Ибн Сино куч., 1  
x/р 2020 8000 5005 1105 3001  
МФО 00278 СТИР 200791776  
ЎзР ТИФ “Миллий банк” АЖ  
Самарқанд вилоят филиали  
ИФУТ 52230  
Факс 232-36-99, тел 232-33-24

### Директор



### Исполнитель

“Мароқанд Дезинфекция” ХК

Юқори Тайлок махалласи  
x/р 2020 8000 8007 4798 3001  
МФО 00321 СТИР 304 752 572  
АТБ “Агробанк” Тайлок филиали



Жумаев М.М.